O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 17 июнь, чоршанба • № 47 (11.030) • Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ ПИЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 920 тоннадан ортиқ "кумуш тола" топшириб, режани ортиғи билан бажардилар

Бу йил баҳорнинг серёғин келиши, обҳаво инжиқликлари, пиллакорларнинг ҳам анча мураккаб шароитда меҳнат қилишларига сабаб бўлди. Лекин шунга қарамай барча туманларда мавсум муваффақиятли ўтди. Вилоятнинг бугунги ғалабасига йиллик топширикни 110—118 фоизга етказиб адо этган Оққўрғон, Бўка, Қуйичирчиқ, Бекобод, Ўртачирчиқ туманларининг пиллакорлари айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Оҳангарон, Чиноз, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ туманларида ҳам пилладан яхши ҳосил олишга эришилди.

Бу йилги мураккаб шароитда ҳам мавжуд ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига ипак қуртларидан ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил олган хўжаликлар сафи ўсганлиги, айниқса, қувончлидир. Оққўрғон туманининг "Ўзбекистон", "Озод", Ҳ. Олимжон номли С. Сегизбоев номли, Бекобод туманининг "Навбаҳор", "Далварзин", Бўка туманининг "Бўка", "Хўжақўрғон", Навоий номли, Қуйичирчиқ туманининг "Ўзбекистон", "Гулистон", "Беруний" номли, Ўртачирчиқ туманининг Акмал Икромов номли, "Ҳақиқат", "Гулистон", Чиноз туманининг "Эшонобод", С. Раҳимов номли, Юқоричирчиқ туманининг "Юқоричирчиқ", "Туркистон", Бўстонлиқ туманининг "Кўшқўрғон", Оҳангарон туманининг Навоий номли, "Оҳангарон" хўжаликларида пилла тайёрлаш режалари 115—160 фоизга бажарилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди.

Маълумки, ипак қуртидан мўл ва сифатли пилла олиш кўп жиҳатдан хонадонларнинг соҳибларига, пиллакорларнинг меҳнатига боғлиқ. Вилоятда бундай илғорларнинг сафи ҳам кўп. Оққўрғондан Турсуной Абдуллаева, Қодир Шодиев, Назира Жўрабекова, Бекободдан Абдураим Бойзоқов, Абдулҳай Сувонқулов, Бўкадан Зулайҳо Бўрибоева, Саодат Юсупова, Норбиби Маллаева, Қуйичирчиқдан Ҳакима Жалилова, Иброҳим Сайдалиев, Ўртачирчиқдан Мухтор Аширов, Фотима Умарова, Нишонгул Алметова, Чиноздан Ортиқ Салимбеков, Матлуба Темирова сингари пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 80—100 килограммгача ҳосил олиб барчага ўрнак бўлдилар.

Албатта, вилоятда эришилган дастлабки муваффақиятнинг асосларидан бири мавсум бошиданоқ қилинган ҳаракат, белгиланган тадбирларнинг бекаму-кўст бажарилиши, ташкилий ишларнинг тўғри амалга оширилганлиги бўлди. Хусусан, мавсум бошидаёқ пиллакорларга етиштириладиган ҳосил ҳисобига, олинадиган даромаднинг 45 фоизи аванс тариқасида берилди. Бундан ташқари уларга 1100 тоннадан ортиқ ун, гуруч, ёғ ва бошқа озиқ-овқат ҳамда истеъмол моллари тарқатилди. Туманларда ташкил этилган ўқув семинарлар, ипак қуртини парвариш қилишдаги янгиликлар мўл ва сифатли ҳосил олишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йил биринчи марта Оққўрғон тумани хўжаликларида хориждан келтирилган ипак қурти қуруғи парвариш қилинганлиги ва ҳар қути ҳисобига 65 килограммдан ошириб "кумуш тола" олинганлиги ҳам бу борадаги изланишларнинг натижаси бўлди. Ана шулар ҳисобига 1998 йилда вилоят бўйича етиштирилган пилланинг 85 фоиздан ортиғи юқори навларга қабул қилинди.

Вилоят туман ва хўжаликларида мавсум ҳали якунлангани йўқ. Режага қўшимча пилла тайёрлаш давом этмоқда. Бу иш айниқса, тоғ олди туманларда қизғин бормоқда.

ТУТАШ ИЛДИЗЛАР

Ўтган якшанба куни Тошкент вилояти билан Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасида икки томонлама шартнома имзоланди

ХАБАРИНГИЗ бор, яқинда бўлиб ўтган Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарлари олий даражадаги учрашуви-анжуманида Марказий Осиё давлатлари кучларини бирлаштириш, умуман, ўзаро иқтисодий муносабатларни шакллантириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш учун бир-бирларимиз билан алоқаларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш — шу заминда яшаётган барча халқларнинг манфаатдорлигини таъмин этишга хизмат қилажаги алоҳида таъкидланди.

Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, қадим-қадимдан бир-бири билан қондош, қардош бўлиб келган, ериерига туташ, бир дарёдан сув ичиб келган, дили-дилига пайванд Жанубий Қозоғистон вилояти билан Тошкент вилояти ўртасида маданий-маърифий, савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш ҳар икки вилоят меҳнаткашларининг туб манфаатларига мос келади.

Шу мақсадда Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокими Қалиқ Абдуллаев бошчилигидаги вилоят делегацияси аъзолари вилоятимизга ташриф буюрдилар.

Меҳмонларни Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Сўнгра меҳмонлар уч гуруҳга бўлиниб, вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳри, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ, Тошкент ва Зангиота туманлари, Янгийўл шаҳри ва Янгийўл туманларида бўлиб, кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар қандай самаралар бераётганлиги, корхоналар, қўшма корхоналарнинг фаолиятлари билан танишдилар. Ижтимоий, маданий-маиший объектларда бўлдилар, вилоятда, шунингдек, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш, хусусан, ғалла мустақиллиги учун олиб борилаётган ишлар, боғдорчилик, мевачиликни ривожлантириш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлардан хабардор бўлдилар.

Меҳмонлар вилоятда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қурилган ва фаолият кўрсатаётган жуда кўп қўшма корхоналар халқнинг турмуш-фаровонлигини яхшилаш, ҳозирги бозор шароитида иқтисодни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Хусусан, улар Чирчиқ шаҳрида болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Кибо" (Ўзбекистон-Германия) корхонаси, Тўйтепадаги "Ўзбекқобултекистил" ҳамда Зангиота туманидаги ем-ҳашак экинлари ўрим-йиғимида ишлатиладиган "Марал" комбайнларини йиғадиган корхона ишлари ва уларнинг маҳсулотларига юқори баҳо бердилар.

— Сизларда ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотларнинг айримлари бизларнинг қишлоқ хўжалигимиз учун ҳам керакли ва жуда зарур, — деб айтишди меҳмонлар, — Шунинг учун бу маҳсулотларни келишилган нархда сотиб олишимиз мумкин.

Жанубий қозоғистонлик меҳмонлар жойларда бўлганларида маънавий, маданий-маърифий соҳада, тарихий ёдгорликларни сақлаш борасида қилинаётган ишлар билан ҳам танишдилар. Республикамизда ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши, билим олишлари тўғрисида қилинаётган ғамхўрликлардан ҳам воқиф бўлдилар. Хусусан, улар Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида қисқа муддатда замонавий усулда ҳамма қулайликларга эга бўлган мактабни кўриб қурувчиларнинг ишига юқори баҳо бердилар. Бу — мустақиллик шарофатидир! Бир вақтлари хўжаликнинг ташаббуси билан бундай мактабларни қуриш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди!

Меҳмонлар вилоят шаҳар, туманлари, қишлоқларини айланиб қайтгач Шредер номли институт боғига тўпландилар. Учрашувларга якун чиқардилар. Ўзаро фикр алмашдилар. Бу тажрибалар — ҳар икки вилоятнинг янада ривожланишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бундай амалий учрашув, ўзаро тажриба алмашувларни тез-тез ўтказиб туриш керак, деган қарорга келдилар.

Ана шунда ҳар икки вилоятнинг иқтисодий юксалиши — муштарак муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун катта имкониятлар очилади,- деб таъкидланди.

Сўнгра маданий-маънавий-иқтисодий алоқалар, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, ўзаро мутаносиб ва муқобил айрибошлаш тамойилига асосан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, молия-кредит, банк соҳаларида янги тузилмалар, қўшма корхоналар ташкил этиш, уларнинг фаолиятини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, маҳаллий хомашёдан ҳар икки томоннинг манфаатларига тенг мос келадиган технологик жараёнларни йўлга қўйиш, пахтачилик-чорвачиликни равнақ топтириш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий қилиш ва бошқа бир қатор кўриладиган тадбирлар юзасидан икки томонлама шартномага имзо чекилди.

Қалби-қалбига туташ бўлган икки қардош халқларнинг навбатдаги бу учрашуви, ҳеч шубҳасиз, эртанги ютуқлар учун муҳим омил бўлади.

Носир РИХСИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.

Суратда: Жанубий Қозоғистонлик меҳмонларнинг «Қобул-Тўйтепа-текстиль» қўшма корхонасига сафари. Владимир ГРАНКИН олган сурат.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов таклифига биноан шу йил 23-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

Газетхон: таклифи

АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга, иқтисодиётимизни ривожлантиришга оид фармон ва қарорларни қабул қилаётгани бизни мамнун этмоқда. Юртбошимизнинг "Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги фармони шулар жумласига киради.

Тўғри-да, деҳқон йил бўйи меҳнат қилиб, минг машаққат эвазига ҳосил етиштиради. У эса кимларнингдир бепарволиги туфайли нобуд бўлади. Бундан деҳқон ҳам, аҳоли ҳам, қолаверса экинни молига едирган одам ҳам жиддий зарар кўради. Бунга йўл қўймаслик керак.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Қишлоқдаги хонадонда албатта мол бўлади. Лекин яйловлар, бўш ерларнинг йўқлиги туфайли уларни боқиш қийин кечади. Шунинг учун ҳам одамлар хўжаликка қарашли ерлардан ўғирлаб бўлса ҳам молига емиш олади. Айрим ҳолларда экинзорларга молини қўйиб юборади.

Бунга йўл қўймаслик учун хўжаликлар одамларнинг шахсий молларига имкони борича емиш ажратишни йўлга қўйса ёмон бўлмасди. Яъни хўжалик ерларида етиштириладиган озуқадан шахсий мол эгаларига ҳам сотилса, дейман. Ана шунда чорва моллари тўқ бўлиб, экинзорлар пайҳон этилмайди.

Аҳоли қўлидаги моллари ем-хашак билан яхшироқ таъминланиши йўлга қўйилган хўжаликларда гўшт ҳам, сут ҳам кўпайиб боради. Энг асосийси етиштирилган ҳосил нобуд бўлмайди.

Саидғани САИДОЛИМОВ,
Тошкент тумани, "Ҳасанбой" жамоа хўжалиги.

хабари

ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗИЛДИ

ҚИБРАЙ тумани марказий маданият уйида Республика Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясида қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун юзасидан вилоят маданият ишлари бошқармаси "Экосан" жамғармасининг вилоят бўлими, вилоят илмий-услубиёт маркази ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ҳамкорлигида ташкил этган "Эътиқод-маънавият ва экология" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Бу анжуманда тарих фанлари доктори Э. Ҳолиқов, тарих фанлари номзоди М. Юнусхўжаева, А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти доценти С. Йўлдошева, "Экосан" жамғармаси вилоят бўлими раиси F. Очиловлар "Тарихий тараққиёт ва дин эркинлиги", "Оила маънавияти ва дин", "Диний урф-одатлар ва маросимлар", "Экологик маданият ва соғлом авлод" мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуманда вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи З. Солихов мазкур қонунни тарғиб қилиш борасида маданият ходимлари олдида турган вазифалар хусусида гапирди.

Ф. АМИРИДДИНОВА.

янгилиги

ВИЛОЯТ ПОЛВОНЛАРИ ҒОЛИБ

Яқинда Юқоричирчиқ туманида "Сирим" деб номланган корейс миллий кураши бўйича Республика мусобақаси бўлиб ўтди.

Бу мусобақани Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси Тошкент вилояти ва Юқоричирчиқ тумани бўлимлари, вилоят ва туман спорт қўмиталари биргаликда ўтказишди.

Мусобақада Фарғона, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда шаҳарларидан ташриф буюрган ёш курашчилар майдонга тушдилар.

Мусобақада 80 килограммгача бўлган курашчилар орасида пскентлик Эргаш Алматов биринчи, юқоричирчиқлик Эржон Тангрибердиев иккинчи, пскентлик Дилмурод Сайфуддинов эса фахрли учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

мактуби

ВАЗИФАНГИЗНИ ВИЖДОНАН БАЖАРАСИЗМИ?

Ҳурматли редакция! Мен газетангизнинг шу йил 13 июнь сонида чоп этилган "Кўча супуриш айбми?" сарлавҳали мақолани ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Унга муносабатим битта.

У ҳам бўлса, кўча супуриш айб эмас, шараф бўлиши керак. Ахир ўзингиз ўйланг: эрта тонгда, ширин уйқудан туриб, халоватидан кечиб кўчаларимизни чиннидек тоза қилиб қўядиган, саломатлигимизни таъминлайдиган одамларга паст назар билан караш инсофданми?

Энди мақоладаги иккинчи муҳим фикр — фаррошнинг вазифасини пеш қилиб "касби бўлгандан кейин супуради-да", деб атрофни ифлослантираётганларга келсак. Менимча шу фикрда юриб, кўчаларимизни, транспортни, қўйингки истиқомат жойларини ахлатга бостираётганлар энг тарбиясиз кишилардир. Улар бировнинг вазифасини пеш қиладилару ўзлари бурчларини ёлчитиб адо этмайдилар. Қани ҳамма ҳам Дилнавознинг синглиси каби эрта туриб саришталикка ҳисса қўшса, жилла бўлмаса кўча-кўйга, ҳиёбонларга ахлат ташламаса.

Ана шунда кўчамиз, маҳалламиз, юртимиз озода, ҳавоси эса тоза бўларди. Тартиб остонадан бошланади, деганларидек мен эрта туриб ҳовлисини, эшик олдини, кўчасини супириб-сидираётган қиз-жувонларга қўлингиз дард кўрмасин, доимо соғ бўлинг дегим келади. Шундай инсонлар бор экан, ҳамиша атрофимиз озода, дилимиз эса равшан бўлаверади.

Рихсихон КАРИМОВА,
Ангрен шаҳри.

Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

ТЎРТ ИШ КУНИДА

261 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 50 центнердан ғалла ўриб-йиғиб олган Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли пайчилик уюшмаси аъзолари давлатга дон сотиш буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар

Ғалла — 98

Бу муваффақиятга хўжаликда иш бошидан пухта замин яратилди. Экин майдонлари сифатли тайёрланди. 526 гектар майдонга экилган буғдой оби-тобида парвариш қилинди. Ўғити, суви вақтида берилди. Энг муҳими пайчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ўз меҳнатларига яраша рағбат кўришлари таъминланди.

Хўжаликда масъулиятли палла — ғалла ўрим-йиғимига, айниқса, пухта тайёргарлик кўрилди. Мавсум бошидаёқ ўрим-йиғимни 10-12 кун ичида тўлиқ якунлаш режалаштирилди. Мана натижа! Хўжаликда тўрт иш кунида 261 гектар майдондаги буғдой ўриб-янчиб олинди. Омборларга давлат буюртмасидаги 1250 тонна ўрнига 1304 тонна сара дон етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 50 центнерни ташкил этди.

Бу дастлабки муваффақиятга хўжаликнинг Карим Аҳмедов, Ҳамидулла Рустамов бошчилик қилаётган бригадалари аъзолари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу жамоаларда гектаридан олинаётган ҳосил 50-55 центнерни ташкил этмоқда. Баҳром Саидов, Миржалол Икрамов сингари механизаторлар эса ўзларининг унумли ишлари билан хирмонга барака киритдилар.

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти нафақат меҳнат, балки одамларга яратилган шарт-шароитга ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан мазкур хўжаликда ўрим-йиғимда иштирок этаётганлар учун даланинг ўзида катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Дастлабки давондан ошган хўжаликда ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Ваъда, ваъда! Ғаллакорлар яна беш кунда қолган майдонлардаги буғдойни ҳам тўлиқ ўриб-йиғиб олиб, умумий хирмонларини 2100 тоннадан оширишмоқчи.

Муносабат

ҲАЛҚ БАҲО БЕРАДИ

ЮРТБОШИМИЗНИНГ Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини ўқиган киши ундаги халқимизга ғамхўрлик, одилликка даъват, фуқарога меҳр ва эътибор туйғусини ҳис этмоқда.

Дарҳақиқат, раҳбарнинг димоғдорлиги, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчиликка қараб лавозимга тайинлаш қандай оқибатларга олиб келиши, гуруҳбозликларга, ғаразгўйликларга сабаб бўлиши нутқда очиқ-ойдин, аниқ мисоллар асосида ўз ифодасини топди.

Таҳририятимизга келаётган хат, хабарларда турли соҳа кишилари Президентимизнинг нутқида кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Қуйида улардан айримлари эътиборингизга ҳавола этилади.

— ИНСОН борки, ширин сўзнинг, ҳурмат-эътиборнинг гадоси. Бир оғизгина самимий меҳрибончилик билан айтилган лутф киши қалбига нур бўлиб киради. Маорифчи сифатида буни кўп синаганман.

Тўғрисини айтиш керак. Нафақат раҳбар, балки оддий касб эгаси ҳам манман, димоғдор бўлса ҳеч кимга ёқмайди. Бундай инсон билан иложи борича камроқ мулоқотда бўлишга интиласиз. Лекин раҳбарга иш юзасидан қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келади. Шу жиҳатдан олганда раҳбарнинг инсонийлик фазилатларига сессияда жиддий эътибор берилгани менга маъқул бўлди.

Яна бир нарса. Мазкур йиғилишда юртбошимиз ижтимоий масалалар, халқ турмуш тарзи билан боғлиқ мавжуд муаммоларни Қашқадарё вилояти мисолида батафсил таҳлил этиб, камчиликлар кўплигини таъкидлади. Хусусан, мактаблар, ўқитувчиларга бўлган эътибор ҳақида ҳам сўз юритди. Шу маънода мактабимиз жойлашган "Бойқозон" ширкат хўжалиги бошқаруви ҳар йили Ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаб келаётгани, ўқув муассасаларини таъмирлашга ёрдам бераётганлигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Лекин ана шу мадад ҳамма жойда ҳам сезилавермайди.

Халқ таълими соҳасидаги мавжуд камчиликлар ҳаммамизга ҳам тегишли, бундан хулоса чиқаришимиз лозим, деган фикрда мулоҳазаларимни айтяпман.

Дарҳақиқат, қайси йўналишда бўлмасин, ишнинг ривожи раҳбарга, унинг кадрларни тўғри танлашига ва жой-жойига қўйишига боғлиқдир.

Тожибой АДАШЕВ,
Паркент туманидаги 31-мактаб директори.

БУ – УЧИНЧИСИ

Шу кунларда Тошкентда савдо-саноат ярмаркаси давом этмоқда

Республикамиз пойтахтида савдо-сотиқ ярмарка-лари ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда унинг самараси яхши бўлмоқда. Бундай тадбирлар давомида Тошкентдаги саноат корхоналари, конструкторлик, технологик ва илмий тадқиқот институтларида ишлаб чиқараётган ҳамда яратаётган маҳсулотлар, кўрсатаётган хизматлар кенг тарғиб қилинмоқда.

Айни вақтда у бозор талабини ўрганишга, шериклар билан, шу жумладан хорижий компаниялар ва фирмалар билан янги амалий иқтисодий алоқаларни ўрнатишга, корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга буюртмалар пакетини шакллантиришга ёрдам бермоқда.

Шунинг учун ҳам ҳар гал савдо-саноат ярмаркасини уюштиришга олдиндан пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаяпти, бу ишга кенг жамоатчилик жалб қилинмоқда. Шу туфайли ярмаркалар натижаси анча дуруст бўлмоқда. Масалан, бундан бир ярим йил илгари ўтган иккинчи савдо-саноат ярмаркаси ишида деярли 250 корхона-ташкилотлар қатнашди. Уларнинг кўпчилигини иқтисодий ислоҳотлар туфайли мулкчиликнинг янги шаклига ўтган ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий, кичик, чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналар ташкил этди.

Ярмаркалар бошқа мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, хорижий 23 мамлакатдан 600 мингдан ортиқ киши ярмаркага ташриф буюрди, маҳсулотлар етказиб бериш бўйича 1300 дан ортиқ буюртма расмийлаштирилди. Ҳамкорлик қилиш ва амалий алоқа ўрнатиш ҳақида 328 та битим имзоланди.

1998 йилнинг 15 июнида савдо-саноат ярмаркасининг навбатдагиси ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Бадиий академиясининг мухташам марказий кўргазма залида уюштирилган ярмаркани Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов

БОЗОР ВА ТАЛАБ

қисқача кириш сўзи билан очди ва ташриф буюрганларни экспонатларни томоша қилишга таклиф этди. Бинонинг ҳовлилари, катта залнинг биринчи-иккинчи қаватларида пойтахт саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган турли-туман маҳсулотлар қўйилган эди. Улар орасида замонавий машинасозлик маҳсулотлари, конструкторлик ва технологик, илмий-тадқиқот институтлари барпо этган ўнлаб асбоб-ускуналардан тортиб, истеъмол бозори учун мўлжалланган юзларча хил уй-рўзғор буюмлари ҳам бор. Дастлабки маълумотларга қараганда, ярмаркада 150 дан ортиқ давлат, ҳиссадорлик, хусусий ва қўшма корхоналар ва қатор ташкилотлар қатнашмоқда.

Бу ярмарканинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда Тошкент корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намойиш этилиши билан бирга инвестиция лойиҳалари, илмий ишланмалар, "Ноу-хоу", қўшма корхоналар барпо этиш, ишлаб чиқариш майдонларидан биргаликда фойдаланиш, моддий-техника ресурслари, асбоб-ускуналар ва уларга бутловчи қисмлар етказиб бериш, қурилиши тугатилмаган объектлар, кўчмас мулк иншоотлари бўйича ҳам таклифлар ўртага ташланган.

Ярмарка шу йилнинг 19 июнигача давом этади. Унинг доирасида илмий-техника тадбирлари дастури ҳам амалга оширилади. Чунончи, "Божхона қонунчилигида янгиликлар", "Реклама амалиётида янгиликлар" ва бошқа мавзуларда семинарлар, "Давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда янгиликлар" мавзуида давра суҳбати уюштирилади.

Ярмарка хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Унинг очилиши маросимида чет эл мамлакатларининг Ўзбекистондаги кўпчилик элчихоналари, ўнлаб чет эл фирмалари ва компаниялари вакиллари қатнашдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, шунингдек Тошкент халқаро бизнес маркази уюштирган бу ярмарка ҳам, шубҳасиз, амалий ва шахсий алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашга, республикамизда катта ва кичик бизнеснинг ривожланишига хизмат қилади, ўзаро фойдали ҳамкорликнинг кенгайишига кўмаклашади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

Ислоҳот одимлари

РАҚОБАТГА ҲАММА ҲАМ ДОШ БЕРОЛМАЙДИ

аммо, изланиш, ташаббус ва тадбиркорлик Янгийўл ғишт заводи жамоасига ишлаб чиқаришда кескин юксалишга эришиш ҳамда истиқболдаги режаларни амалга ошириш имконини бермоқда

Юртимиз мустақиллиққа эришгач барча жабҳаларда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Буни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Биргина қурилишни олиб кўрайлик. Ҳозир қаерга борманг, катта бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатимиз, айниқса, пойтахтимиз Тошкент улкан қурилиш майдонига айланган.

Ҳозирги биноларга қараб кўнгил яйрайди. Бўлармиди? Қолаверса, бундай "оғир меҳнат талаб қиладиган" жойга унча-мунча одам келавермайди. Келганлари ҳам бир, икки ой ўтмай жуфтакни ростлаб қолиши аниқ. Илгарилари шундай бўлган. Айрим жойларда ҳозир ҳам шундай.

Аммо Янгийўлдаги "Ижодкор" жамоа корхонасига "мени ишга олинг" деб келаётганларнинг сони кўпайиб бормоқда. Чунки бу ерда ғишт ишлаб чиқаришдек оғир иш машина ва механизмлар зиммасига юклатилган. Фақат уларни ишлатишга билим ва маҳорат бўлса бўлгани. Бу ёқда даромадда барака бор. Турли хил қулайликлар муҳайё.

Бир-бирига ўхшамайди. Чиройли, қулай, бетакрор. Ана шундай уйлар учун эса албатта ғишт керак. Аммо катта ҳажмдаги ишларни бажаришга етадиган даражадаги ғиштни ишлаб чиқаришнинг ўзи

Бироқ очиғини айтганда, шундай оғир соҳанинг гуллаб яшнаши, ишчиларнинг фаровон яшашини таъминлаш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг тагида корхона раҳбари Ўткир Маҳмудовнинг қанчадан-қанча уйқусиз тунлари, бехаловат кунлари ётибди. Агар бу ерда бўлиб, ишчилар билан суҳбатлашсангиз ҳамма заводнинг бурунги аҳволию, бугунги равнақи ҳақида, унинг шу даражага эришувида Ўткир Маҳмудовнинг хизматларини фахр билан тилга олади.

— Ушбу ғишт заводига бошлиқ бўлиб келганимда жуда хафа бўлган эдим, — дейди биз билан суҳбатда бошлиқ. — Печлар бузилиб кетган, ускуналар талон-тарож қилинган бўлиб, ишлаб чиқариш деярли тўхтаб ётганидан атроф ҳувуллаб ҳаммаёқни юлғунлар босиб кетганди. Ишчиларнинг ҳам анчагина қисми бўшаб кетган. Фақат шу корхонага меҳнати синган, фидойи кишиларгина қолганди.

Аввалига бошим қотди. Нима қилиш, ишни нимадан бошлаш керак? Шу ўй билан жамоа аъзоларини тўплаб маслаҳат солдим.

— Ўзимизнинг ҳам аҳволни кўриб юрагимиз ачишиб юрувди, — деди улардан бири. — Аммо ачиниш билан иш битмайди. Ҳаракат қилиш керак. Кўпроқ елиб югуришингизга, халоватдан кечишингизга тўғри келади. Зарур нарсаларни топсангиз бўлгани. Бу ёғига биз турибмиз. Меҳнатдан қочмаймиз.

Дарҳақиқат заводда ҳақиқий жонкуярлар қолишган экан. Мен ва тўрт бешта мутахассис республикадаги турдош корхоналарда бўлиб, нима янгилик бўлса чуқур ўргандик. Заводни реконструкция қилиш, янги ускуналар билан таъминлаш режасини ишлаб чиқдик. Айниқса, ҳокимимизнинг кўмаги

катта бўлди. Қисқа муддатда печлар замонавий қилиб тикланди. Кўплаб жараёнлар механизациялаштирилди. Натижада кўп меҳнат талаб қиладиган асосий иш жараёнларини энди техника бажарадиган бўлди.

Меҳнат унумдорлиги орта бошлади. Оғир меҳнат қилиб, озгина маош оладиганларнинг чўнтагига барака кирди. Манфаатдорликни кўрган одамлар янада яхши ишлай бошлашди. Шунга яраша ғишт ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Табиийки мўл ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кўпроқ малакали ишчилар керак бўлади. Корхонага энди одамлар оқиб кела бошлади. Илгари ишчи кучи йўқлигидан одамлар завод маъмуриятига уни қилиб берасан, буни қилиб берасан, бўлмаса бўшаб кетаман деб шарт қўярдилар. Энди иш шароити енгиллашганлиги, яхшилашганлиги, ойлик маош ортганлиги туфайли маъмурият ишловчиларга ҳалол, унумли ишлаш, сифатни ошириш, чиқитга йўл қўймаслик шартларини қўйиб, ишга қабул қила бошлади.

Корхонада шундай вазият юзага келтирилдики энди бирор киши спиртли ичимлик ичса, меҳнат интизомини бузса ишдан кетиши мумкин. Ўрнига эса, одам тайёр.

Шу туфайли ҳам корхонада меҳнат интизоми юксалди. Ишчилар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги, серунум технологияларни жорий қилиш учун таклифлар билан кира бошладилар. Булар ўз самарасини бермай қолмади, албатта. Технологик жараёнлар такомиллашди. Маҳсулот салмоғи ва сифати ортди. Ўз навбатида фойда кўпайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда. Шундай қилинмаса, зарарга кириб қолиш мумкин. Чунки бир-бири билан рақобат қиладиган турдош корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Демак, вазият изланишни, мўл, арзон ва ниҳоятда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда.

"Ижодкор" жамоа корхонаси айнан шу йўлдан бормоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотга эҳтиёж катта. Талабни қондириш, харидорлар ишончини оқлаш эса завод ишчиларининг кундалик шиорига айланган. Ҳозир бу ерда бир кунда 75 мингта пищиқ ғишт тайёрланмоқда. Мақсад — яқин келажакда бу кўрсаткични 100 минг донага етказиш.

Бунинг учун барча имкониятлар бор. Чунки корхонада фақат одамлардан кўпроқ ишлаш, режани ортиғи билан бажариш талаб қилинавермасдан уларга қулай шароит яратиш, маданий хордиқ чиқаришлари, яхши ишлаб, яхши яшашлари учун қайғуриш асосий тамойилга айланган.

Шу мақсадда ҳокимият билан келишиб, беш гектар ер олинди ва ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Бу анчагина одамни иш билан таъминлашга имкон яратибгина қолмай, жамоа аъзоларининг бепул сут, қатиқ билан таъминлашга олиб келди. Ёки бошқа бир мисол. Кимдир корхонада тикув цехи ташкил қилиш режасини ўртага ташлади. Ўйлаб кўришди. Қилса бўларкан. Фойда ҳам кўриш мумкин.

Ҳокимликдагилар ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Цех учун бино ажратилди. Ҳозир бу ерда 70 киши юқори маошли иш билан таъминланган. Улар пахта териш этаклари, қўлқоплар, махсус иш коржомаларини тикишмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эса фақат Янгийўл туманидагина эмас, балки бошқа туманларда ҳам талаб катта.

Яна бир янгилик. "Ижодкор" жамоа корхонасининг шундоққина ёнгинасида бир ғишт заводи бор эди. Бу ерда сўнгги вақтда ишлар юришмай, корхона қарзга ботди. Охири ишлаб чиқариш бутунлай издан чиқиб, тўхтаб қолди. Завод ташландиқ жойга айланди.

Ўткир Маҳмудов анча вақтдан бери иши юришмаётган корхонага ачинардию лекин раҳбарларга айтса: "ақл ўргатаяпти" деб ўйламасин деган ўйда индамасди. Яқинда директор ҳокимликка ғишт ишлаб чиқариш тўхтаб қолган заводни ўз корхонасига қўшиб беришни сўраб мурожаат этди. Мутасаддилар уни қўллаб-қувватлашди.

Ҳозир бу заводда таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда. У ишга тушгач яна 300 нафар одам иш билан таъминланади. Йилига қўшимча 100 минг дона ғишт тайёрлаш имконияти туғилади.

Корхона ишлаб чиқаришдан келаётган фойдадан маҳалла ободончилиги, шу атрофда яшовчилар оғирини енгил қилишга ҳам катта маблағ ажратмоқда. Новвойхона, қандолат цехи, бошқа хизмат турлари ҳаражатининг кўп қисми жамоа ҳисобидан. Корхона яқинда маблағ йўқлигидан ҳароба ҳолга келиб қолган болалар боғчасини ҳам ўз таъминотига олди.

Халқимизда минг қўшчига бир бошчи, деган нақл бор. Ўткир Маҳмудов жамоага омилкорлик билан етакчилик қилаётганлиги туфайли ҳар соҳада юксалиш таъминланмоқда. Буни корхонада бўлганимизда ўз кўзимиз билан кўрдик. Она юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган, мустақилликни мустаҳкамлашга баракали ҳисса қўшаётганларга омад тиладик.

Каримжон РИХСИЕВ.

Суратларда: 1. 40-йилдан бери корхонада фидокорона меҳнат қилаётган илғор ишчи Исмоил Дониёров ва иш жараёнидан бир лавҳа. 2. Тикувчилик цехи ҳамда чеварлар сардори Розия Фаттоҳова. 3. Корхона ўз тасарруфига олган боғчада фарзандлар учун барча шароитлар яратиб берилган.

Суратказ: Даврон АҲМАД.

Олмоқнинг бермоғи бор

ШАРТЛАШДИНГМИ, ШАРТИНГНИ БАЖАР

Деҳқон йил ўн икки ой меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирса-ю уни харидорга қўш-қўллаб жўнатиб ҳақини олишга келганда қуруқ қолаверса, бундан ёмони бўлмаса керак.

Тошкент тумани Тўлабий номидаги хўжалик бундан икки йил муқаддам Янги Тошкент консерва заводи билан картошка, сабзавот ва мева етказиб бериш юзасидан шартнома тузган эди. Деҳқонлар ўз мажбуриятини бажарди. Заводга қайта ишлаш учун 253262 сўмлик маҳсулот жўнатди. Аммо пулини ололмади. Шунинг учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суд ариза юзасидан адолатли ҳукм чиқарди. Унинг қарори билан заводдан бир ой муддат ичида хўжалик деҳқонларининг ҳақи ундириб бериладиган бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоят хўжалик суди шу йилнинг ўтган даври мобайнида 188 хўжалик низоларини кўриб чиқди. Шартнома шартларини қўпол равишда бузган саксон хўжалик субъекти устидан қарор чиқарилиб, улардан қарийб 250 миллион сўм даъвогарлар фойдасига ундирилди.

— Президент фармонига кўра ваколатимиз кенгайди. Масъулиятсизликка йўл қўяётган, шерикларига иқтисодий зарар етказаётганларга нисбатан қатъийроқ чоралар кўра бошладик, — дейди вилоят хўжалик суди раиси М. Собиров. — Жумладан, Зангиота туманидаги "Карнак" фермер хўжалиги фаолияти бўйича жиноий иш қўзғатилди. Мазкур хўжалик "Тадбиркорбанк"нинг туман бўлимидан 1993-1995 йилларда 10 миллион 769 минг сўм кредит олиб, орадан шунча вақт ўтишига қарамай, унинг бир сўмини ҳам қайтармаган. Шунингдек, Бўка туманидаги "Гулистон" жамоа корхонаси, Бекободдаги "Бекободавтотранспорт", Оҳангарондаги "Оҳангаронширфер", Янгийўлдаги "Қовунчи" ҳиссадорлик жамиятларида шартнома шартларини қўпол равишда бузиш оқибатида келтирилган зарарни уларнинг раҳбарлари ҳисобидан қоплаш бўйича тақдимномалар киритилди.

Вилоят хўжалик суди меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасининг бир қанча даъво аризаларини ҳам кўриб чиқишга киришди. Буни қарангки, янги иш ўринлари барпо этиш мақсадида бошқармадан 1995-1996 йилларда Бўка туманидаги "Гулшан" фермер хўжалиги 400 минг сўм, Юқоричирчиқ туманидаги "Мангу" хусусий корхонаси 2 миллион сўм, шу тумандаги "Лолита" ва "Диёна-бону" фирмалари бир ярим миллион сўмдан, Қуйичирчиқ тумани фахрийлар кенгаши икки миллион сўм кредит олган, лекин уни вақтида қайтармаган. Вилоят хўжалик суди тўлов интизомини қўпол равишда бузгани учун мазкур корхоналар раҳбарларининг ҳар бирига тегишли миқдорда жарима солди. Шунингдек, назоратни сусайтириб юборгани учун бошқарма раҳбарлари ҳам энг кам иш ҳақининг етти баробари миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

Имом Ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги олдидан

АЛЛОМАНИНГ РАМЗИЙ МАҚБАРАСИ

Буюк ватандошимиз Имом Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Бухоро шаҳар ҳокимлиги хайрли ишга қўл урди. Шаҳарнинг Самонийлар боғидаги қадимий Чашмаи Аюб мажмуи ёнида улуғ алломанинг рамзий мақбараси бунёд этиладиган бўлди. Шу мақсадда меъморлар орасида энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилинди. Тақдим этилган ўнлаб ишлар орасида меъморлар Зебо Шарипова ва Зойир Қиличев ҳамкорликда яратган лойиҳа ғолиб деб топилди.

— Бўлажак ёдгорликнинг фазовий ечими Исломнинг муқаддас рамзлари ҳисобланган ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз ҳамда китоб шаклида бўлади, — дейди З. Шарипова. — Лойиҳамизга кўра, мақбарага келган зиёратчилар аввало Имом Ал-Бухорийнинг шоҳ асари — "Ал-Жоми, Ал-Саҳиҳ"ни эслатувчи саккиз қиррали "Китоб"ни кўздан кечирадилар. "Ярим ой"нинг пастки қаватида ибодатхона жойлашган. Хонанинг марказига зангори мармар идишда Имом Ал-Бухорий дафн этилган қабрдан келтирилган тупроқ қўйилади. Зиёратчилар шу хонада Имом Ал-Бухорий қаламига мансуб асарлар билан танишадилар.

"Ярим ой" аллома асарларидан келтирилган сўзлар ёзилган буюртма каллиграфик фриз билан қопланади. "Китоб"нинг ғарбида фаввора қурилади. Хуллас, мақбара буюк муҳаддиснинг юбилейига қутлуғ тўёна бўлади, деб ўйлайман.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Ғалла — 98

ЭНДИ БУҒДОЙ УРУҒИНИ ҲАМ ЎЗИМИЗ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

дейди Тошкент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Ботир Тўлаганов

Етиштириладиган ғалла ҳосилининг салмоғи бўйича бизнинг хўжалик туманда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Биз бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиб келмоқдамиз. Деҳқонларимиз ҳар йили 320 гектар майдонда ғалла ўстириб, 1100—1200 тонна ҳосил олмоқдалар. Мавжуд техника воситалари, имкониятлардан фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш, ялпи хирмонни кўпайтириш пайида бўлмоқдамиз. Бунда бизга меҳнатни ташкил қилишнинг оила пудрати усули ниҳоятда қўл келмоқда. А. Солихов, Я. Ирисбоев, Т. Турғунов сингари пудратчиларимиз гектаридан 40 центнерга яқин ҳосил олиб кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Бу йил ҳам 319 гектар майдонда ғалла етиштирдик. Яқинда ҳосилнинг чўғини чамалаб чиқдик. Ҳар гектаридан 35 центнер, айрим майдонлардан эса 45—50 центнер ҳосил олиш мумкин, деган хулосага келдик. Бу мақсадга эришиш учун ўрим-йиғим ишига пухта тайёргарлик кўриб, зарур тадбирларни ишлаб чиқдик. Ишни икки сменада ташкил этиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш, бунинг учун эса ғаллакорларни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бериш кўзда тутилган.

Мен ҳосилнинг чўғи чакки эмас, дедим, лекин бундан ҳам зиёда бўлиши мумкин эди. Афсуски, Андижондан келтирилиб экилган буғдойнинг "Скифянка" нави уруғлигидан кўнглимиз тўлмади. Нега, нав яхши эмас-ми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, ундай деб бўлмайди. Биз Россиянинг ўзидан келтириб эккан шу навли уруғлардан анча юқори ҳосил олиш мумкинлигига амалда ишонч ҳосил қилганмиз. Унинг агротехникасини ҳам яхши ўрганиб олган эдик. Мавсум давомида 7—8 марта сув ичади. Донининг бўлиқ бўлиши, унча-мунча шамол, ёмғир, селга поя ларнинг ётиб қолмаслиги бизга маъқул.

Лекин мутахассислар, мутасаддилар ҳам келиб кўришди, уруғ биз ўйлагандек тоза чиқмади. Текшириб кўрсак, бошқа хил навлар уруғи, энг ачинарлиси бизнинг даламизга ёт бўлган бегона ўтларнинг уруғи ҳам аралашиб келиб қолганлиги маълум бўлди.

Ҳеч кимга сир эмас, нав аралаш бўлгач, бири олдин, бири кейин етилади. Ўриб, янчилиб, сақлаш жараёнида ана шу қолган буғдой навлари ҳосили етилган буғдой навлари ҳосилига зиён етказиши мумкин.

Биз ўз мулоҳазаларимизни мутасаддиларга айтдик ва бундан буён картошка, сабзи сингари ўзимиз учун керакли бўладиган, эҳтиёжимизни қоплайдиган буғдой уруғини ҳам ўзимиз етиштирмасак, бўлмайди деган қатъий қарорга келдик. Бу муҳим тадбирни амалга оширишга киришдик. Ялпи буғдойзорларни кўздан кечириб, ҳосилдорлиги яхши, бир текис бўй кўрсатган, далаларни уруғлик учун ажратиб қўйдик. Бу майдонлардаги ғаллани ўриш-янчиш ишлари энг уста ва моҳир комбайнчиларга топширилади, уларнинг меҳнати алоҳида рағбатлантирилади. Бу ишни уюшқоқлик ва намунали ўтказиб, келгуси йил ҳосили учун иложи борича етарли миқдорда уруғлик жамғаришни, умуман эса ўрим-йиғим ишларини қисқа муддатларда тугаллашни асосий вазифа қилиб олганмиз.

МУХБИР ШАРҲИ

ҒАЛЛАКОРГА ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИШ КЕРАК

БИЗ тумандаги бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, ғаллакорлари билан учрашиб, Андижондан келтирилиб экилган буғдойнинг "Скифянка" номи ҳақидаги фикрларини сўрадик. Уларнинг гаплари ҳам бир ердан чиқди. Улар ҳам ўзлари учун зарур уруғликни бундан буён ўзлари тайёрлашга аҳд қилганлигини айтишди. Андишали, ҳамиятли, ор-номусли халқимизда. Эътирозлари, таклифлари, мулоҳазаларини ботиниб айтишмасди. Лекин гап-сўзлари оҳангидан уларнинг дилидаги, қалбларидаги фикрларини уқиб олиш мумкин эди. Мен ҳам шундай қилдим. Уларнинг дилидаги мулоҳазаларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим.

Мана, Республикамизнинг Мустақил бўлганига 7 йил кетяпти. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан бу давр мобайнида қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг самараси ғалла мустақиллиги учун курашда ҳам ёрқин сезилиб турибди. Ғалла майдонлари, ялпи ҳосил миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Сал бўлмаса ота-боболаримиз томонидан эъзозлаб келинган ғаллачилик касбини унитаёзган деҳқонларимиз эндиликда ижара, пудрат усулида меҳнат қилиб, ғаллачиликда ҳам аввалги шуҳратларни тиклашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу яхши, албатта, бироқ, ғаллачиликни чинакамига равнақ топтириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Бироқ, айрим ҳолларда, ҳал қилувчи нуқталарда агротехникада, ғаллачиликнинг бошқа соҳаларида тартиб-қоиданинг бузилишига йўл қўйилаётганлиги панд бермасдан қолмаяпти. Бу аввало уруғлик масаласида яққол кўзга ташланади. Ҳамон олимларимиз, мутахассисларимиз буғдойнинг иқлим шароитимизга мос, тупроғимизга хос, юқори ҳосил берадиган, касалликларга чидамли навини яратиш ҳақида астойдил бош қотирмаяптилар. Ҳалигача мавжуд уруғларнинг қайсисини экиш маъқуллиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. Ҳамон четдан келтириладиган уруғга кўз тикиб, қарам бўлиб турибмиз.

Ўтган йили асли ватани Россиянинг Краснодар ўлкаси бўлган ва у ердан келтирилиб экилиб, ўстирилиб, уруғлик учун тайёрланган "Скифянка" навини экдик, бу ҳаммага маълум. Навнинг ҳосияти, афзаллиги ҳақида гап йўқ. Бу ҳақда кўп айтилди, ёзилди, тавсиялар берилди. Минг афсуски, Андижондан келтириб экилган бу уруғ тоза бўлиб чиқмади. Ғаллакорлар ишончини оқламади. Ахир Вазирлар Маҳкамасининг қарорини чиқаришдан мақсад деҳқонларни кафолатланган уруғ билан таъминлаш эди-ку! Афсуски, бундай бўлмади. Қарорни суиистеъмол қилдилар. Агар таъбир жоиз бўлса, андижонликлар узоқ-яқиндаги ҳамкасбларининг кўзига чўп солдилар! Шу ўринда бизга "Унчалик эмас, жуда ошириб юборишгандинглар. Биз яхши уруғ тайёрлаб берган эдик. Эҳтимол, омбордагиларнинг айбидир. Эҳтимол, агротехникани яхши ўзлаштириб олмагандирсизлар", деб эътироз билдиришлари мумкин. Ҳар иккиси ҳам бўлиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам уруғнинг тоза эмаслиги, 3—4 хил навларнинг аралашиб кетганлиги инкор этилиб бўлмайдиган факт.

Шу ҳақда ўйлар экан, четдан олгандан кўра қайтанга деҳқонлар ўзлари етиштирган, озми-кўпми тайёрлаб қўйган қўлбола уруғларини экканларида катта наф кўрган бўлмасмидилар, деган мулоҳазага бораман. Тўғрида, дейлик, бир хўжалик ўрта ҳисобда 70—80 тонна уруғликни 23 сўмдан сотиб олди. Унинг келиб тушиш сарф-ҳаражатлари ҳам ҳисоблаб чиқилганида бир килограмм уруғ 25 сўмдан тушиб турибди. Ваҳоланки, хўжалик етиштирган ҳосил бор-йўғи ўрта ҳисобда 8—10 сўмдан сотиб олинди. Хўжалик шу ҳисобга 15 сўмдан йўқотади. Ҳисоблаб чиқинг-а, хўжалик уруғ сотиб олиб, 1—1,5 миллион сўм зарар кўради. Агар хўжалик ўзи етиштирган ҳосилни уруғ қилиб экканида ана шу маблағ унинг ўзида қоларди. Агар, бу рақамни вилоятдаги ғалла етиртирган хўжаликлар бўйича кўпайтириб ҳисобласак, 100 миллионлаб сўмни ташкил этмайдими?! Бунчалик катта миқдордаги маблағ ҳисобига жуда кўп хўжаликлар пул зарур бўлиб турган қанчадан-қанча ишларини битириб олмасмидилар?!

Шундай экан, вилоятимиз ғаллакорлари мутасаддиларнинг рағбати, амалий ёрдами билан бундан буён ғалла уруғини ўзлари етиштириш ҳақида бир тўхтамга келиб, жуда тўғри қарорга келганлар деб айтиш ўринлидир.

Модомики биз ғалла мустақиллиги учун курашга астойдил бел боғлаган эканмиз, уруғчиликда ҳам мустақил бўлишга, бошқачароқ қилиб айтганда ғаллачиликда ҳам ғаллакорга амалий мустақиллик бериш керак, деб ўйлайман. Зотан ҳеч вақт четдан келтириладиган уруғликнинг тўла кафолатланган бўлишига умид қилиб бўлмайди. Ҳеч ким уруғ ҳақида деҳқоннинг ўзичалик қайғуриб, жон койитмайди. Биров учун бировнинг жони ачимайди! Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб вилоятимиз учун вилоятнинг ўзида уруғ етиштиришни қатъий йўлга қўйиш керак. Бу ишни мутасаддилар, сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармалари, олимлар, тегишли ташкилотлар, илмий тадқиқот институтлари, стандартлаш идоралари билан биргаликда тезроқ ҳал қилиш керак.

Яна бир мулоҳаза, табиийки, буғдой ҳам ер танлайди. Тажрибалардан маълумки, бир ерга, бир майдонга узоғи билан икки йил ғалла экилса ҳосилдорлик кўнгилдагидек бўлади. Ғалла экиладиган ер мавжуд оқ ерга нисбатан 50—55 фоизни ташкил этса, нур устига нур бўларди. Бироқ, ҳозир шундай бўляптики, гектар қатъий белгиланган, ғаллакорлар буғдойни хохламайдиган, зўр бериб парвариш қилган тақдирда ҳам 15—20 центнердан — бошқача қилиб айтганда суғориладиган майдон бўлишига қарамай бахорикор ер сингари ҳосил берадиган далаларга ҳам ғалла экмоқдалар. Ваҳоланки бошқа экин экилса бундай далалардан юқори ҳосил олиш мумкин бўлади. Ҳамонки шундай экан, нега хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари мутасаддилари билан биргаликда олимларни таклиф этиб, ғалла экиладиган ерларнинг тупроқ шароити, таркибини ўрганиб қайси ерга ғалла экса юқори ҳосил олиш мумкин-у қайси ерларга ғалла экилса, ҳосилдорлик кўнгилдагидек бўлмаслигини ўрганиб чиқиб, таклиф киритмайдилар?! Аниқ бир хулосага келмайдилар. Шундай қилинса деҳқоннинг юмуши осон, меҳнати ҳам унумли, самарали бўларди. Дейлик бир хўжалик 270—280 гектар майдонга эмас, 200—220 гектар майдонга ғалла экиб, рисоладагидек ҳосилни олиш мумкин бўларди!

Ҳосилнинг салмоғи ғаллага ишлов бериш жараёнида нормадаги минерал ва маҳаллий ўғитни ўз вақтида берилишига, ўрим-йиғим пайтида эса ишни жадал ташкил этилиши, узилишга йўл қўйилмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин баъзида хўжаликнинг ҳисобида пул бўлмаганлиги учун ўғитни, ёқилғини ўз вақтида ололмайди. Бу ишга, ҳосил салмоғига салбий таъсир кўрсатди. Нега кузда хирмонга, омборга бориб тушиши тайин бўлган ғалла ҳисобидан хўжаликка аванс тариқасида унга зарур бўлган минерал ўғит, ёқилғиларни керакли пайтда етказиб бериб турилишини таъминлаш мумкин эмас? Бу кимнинг иши? Хўжалик раҳбарининг гапига қулоқ солишмаса, нега туман мутасаддилари, ҳокимликлари масалани ҳал қилиб беришга кўмаклашмайдилар? Бу масалаларни, табиийки, бошқармалар, туман ҳокимликлари назорат қилиб боришлари, деҳқонга, ғаллакорларга амалий ёрдамларини аямасликлари керак! Афсуски, текшир-текширлар кўп бўлади, ҳалақит берадилар. Айниқса, ўрокда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир деганларидек ғалвир сувдан кўтарилганда, ғалла ўрим-йиғими жараёнида, режа бажарилгач, ҳатто ортиғи билан бажарилганда ҳам текширувчилар сони камаймайди! Бу деҳқоннинг ғашига тегади, хафсаласини пир қилади албатта.

Биз ана шу сингари мулоҳазалар, нафақат бу йилги мавсумда, балки, келгусида ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уни республикадаги, вилоятдаги мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик. Ўйлаймизки, деҳқонлар дилидаги бу гаплар уларни бефарқ қолдирмайди.

Носир РИХСИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг мухбири.

ЮКСАК ХИРМОН ЙЎЛИДА

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ғаллакорлари шароитига мос навлар танлашга доимо катта эътибор беришади. Шунинг учун ҳам бу ерда йил сайин қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш таъминланаётир.

Масалан, ўтган йили кузида деҳқонлар 500 гектар майдонга ғалланинг сараланган навини экишган эди. Серунум ерга қадалган уруғ бир текис униб чиқди. Миришкорлар ниҳолларни илғор агротехника қоидалари асосида парваришладилар. Ўғит, сувни ўз вақтида олган ўсимлик кўнгилдагидек ривожланди.

Ҳозир хўжалик ғаллазорларида бўлган кишининг кўзи қувнайди. Уфқларга туташиб кетган бепоён далалардаги бўлиқ бошоқлар барча пайкалларда мўл ҳосил етилаётганидан дарак бериб турибди.

Умуман, туман деҳқонлари бу йил ғалла йили бўлди, дейишмоқда. Улар бу йил ҳар гектар ердан ўртача 40 центнердан ҳосил кўтариб, 20 минг тонналик хирмон уйишга бел боғлашган.

Эндиги вазифа — бор ғаллани қисқа муддатларда, исроф қилмасдан ўриб-янчиб олишдан иборат. Шу мақсадда айни кунларда барча хўжаликларда техникани мавсумга пухта созлашга катта эътибор бериляпти.

Т. КРИКУНОВА.

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

ПАРЧА БУЛУТ ҚУЁШ ЮЗИН ТЎСОЛМАЙДИ

ёхуд ҳақиқатни синдириб бўладими?

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, таҳририят ходимлари!

Мен "Тошкент ҳақиқати"нинг деярли ҳар сонини ўқиб бораман. Яқинда газетангизда босилган "Ҳидоят, ҳақиқат, хулоса" номли мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Сал кейинроқ Вазирлар Маҳкамасининг диний ишлар бўйича маслаҳатчиси муовини билан "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги янги қонун юзасидан қилинган суҳбатнинг берилиши ҳам "Ҳидоят, ҳақиқат, хулоса" мақоласининг мантиқий давоми бўлди. Ҳаммамизга маълум, кейинги кунларда динни ниқоб қилиб олган экстремист кучлар мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни бузиш мақсадида бир қанча қабиҳ ишларни амалга оширишга уринишди. Бу ҳақда Олий Мажлиснинг XI сессиясида ҳам очиқ-ойдин сўз борди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг мазкур воқеаларга муносабати тез-тез берилмоқда. Бироқ бу мақолаларнинг барчасини ҳам чуқур таҳлилий асосга эга деб бўлмайди. Чунки уларнинг айримларида муаллифларнинг масала моҳиятини тўла англаб етмаганлари сезилиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида, ўша экстремистлар ва уларнинг тарафлари учун "Давлат динга қарши чиқмоқда" қабилидаги миш-мишларни халқ орасида тарқатишлари учун дастак бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақола муаллифининг мулоҳазалари, ҳар бир фикрни далиллар билан келтириши, энг муҳими, ваҳҳобий оқимига мансуб кишиларнинг қабиҳ мақсадларини очиқ-ойдин баён этиб, уларнинг асл башарасини ўқувчиларга кўрсата олганлиги билан ҳам диққатга сазовор.

Мен асли наманганликман. Озми-кўпми ўша нохуш воқеаларни ўз кўзим билан кўрганман. Бўлиб ўтган воқеалар кўп қатори мени ҳам ташвишга солди. Энг ачинарлиси, бу машмашалар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. 80-йилларнинг охирларига келиб, динга эркинлик берилгани оқибатида турли оқимлар қатори ваҳҳобийчилик ҳам ўз "фаолияти"ни бошлаб юборган, ўша пайтданоқ Ҳанафия мазҳабига мансуб мусулмонлар билан турли ихтилофларни юзага келтиришган эди. Уларнинг асл мақсадлари ҳамда бу разил йўлда ҳали диний тушунчаси йўқ бўлган ёшларни "шотир"ликка тайёрлаётганлари диний уламолар ва маҳаллий аҳолининг аксарияти учун маълум бўлган. Бироқ, негадир, улар дин номидан иш кўрувчи ҳокимиятпараст шахслар билан астойдил кўрашмадилар, то "яра ёрилгунга" қадар жим турдилар.

Зулматдан бирданига ёруғликка чиққан кишининг кўз ўнги қоронғулашиб, бир муддат ҳеч нарсани кўролмай қолганидай, мустабид тузумнинг таъқибида бўлган динга эркинлик берилиши билан "оқу қора аралашгандай" бўлди. Бундан турли ғаламислар фойдаланиб қолишга уринишди. Худога шукрки, уларнинг йўлига ўз вақтида ғов солиниб, юртимиз осойишталигига путур етмади. Бу йўлда элимиз учун хизмат қилганларни Яратганнинг ўзи кўриб турибди, ўзи ажр-мукофотини беради.

...90 йилларда бир дўстим диний таълим олиш учун маҳалламиздан сал нарирокдаги домланикига қатнай бошлади. Биз ҳам унга ҳавас қилиб, бирга дарс олгимиз келди. Бироқ, озгина ўтмай ўртоғим домланикига бормай қўйди. Сабабини сўрасам:

— Аваллари эски ўзбек ёзувидан ўқиётгандим, анча ўрганиб ҳам қолувдим. Энди борсам бир оз дарс ўқиймиз ё йўқ, устозимиз бизга каратэ(!) машқларини ўргатишга ўтиб кетади. Бориб-бориб китоб ўқишни умуман йиғиштирдик. Каратэга ҳам роса қизиқиб, анча ўрганиб олдим. Лекин нима учун бу билан шуғулланаётганимизни сира тушунмасдим. Бир куни шу ҳақда сўрасам устозим: — Мусулмон ўзини ва дўстларини ҳимоя этиши керак. Озгинадан кейин автомат отишниям ўргатаман. Яхшими? — деди. Мен қўрқиб кетганимни базўр яширдиму, аранг: — Ҳа, — деб қўйдим. Шунгача каратэ машқларини ўрганаётганимни дадамларга айтмагандим. Ўша куни кўнглимга тушган хавотир тинчлик бермай, бор гапни айтдим. Дадамлар қаттиқ ҳафа бўлдилар ва йиғиштир дарсингни, ўлганимдан кейин Қуръон ўқиб, руҳимга бағишлайди деб ўйловдим. Бу кетишда ғирт бандит бўласан-ку! — дедилар...

Ўша кезлари "ваҳҳобий, ваҳҳобий" деган сўзлар кўпайиб қолганидан, улар ким ўзи, деб маҳалламиз имомидан сўрадим.

Акс садо

У киши истеҳзоли кулдилар-да: "Буни Абдулҳаким акангиздан сўранг, ўшаларда бироз таълим олган", дейишди. Абдулҳаким ака маҳаллада ҳам дунёвий, ҳам диний илми туфайли анча ҳурматга эга киши. Очиққўнгил, очиқчеҳра бу инсондан ўзимни қизиқтираётган саволни ботиниб сўрадим. Абдулҳаким ака саволни эшитди-ю, бирданига овози бузилиб: ваҳҳобийни қилган ишини ҳеч бир инсон қилмайди, деди-да ерга алам билан бир муштлаб ўрнидан туриб кетди.

Саволим ўшандай очиқ қолаверди... Кейин билсам, Абдулҳаким акага озгина диний таълим берган устозлари "энди ота-онангиздан, оилангиздан кечасиз, Оллоҳ йўлида жиҳод қиласиз", дейишибди. Ака мушоҳадали бўлганидан, бу гапларнинг маъзини чақиб, "Оллоҳ аввало ота-онангни, оилангни рози қил, элингни рози қил, деб буюрса-ю, булар ота-онангни унут деса, шуми дин, шуми шариат, шуми ҳақиқат, йўқ, бу йўлнинг охири қоронгу — адашиб қолишим тайин", деган хулосага келибди ва у "устоз"ларининг бахридан кечибди. Хўш, Абдулҳаким акага ўхшаган қанча ватандошларимизга бу таклиф бўлгану, қанчаси кўрган совуқ қуроллари-нинг, жарақ-жарақ валюталарнинг макрига учмаган, дейсиз. Ёш бола ҳам билади-ку: Ота рози — Ҳудо рози, жаннат — оналарнинг оёғи остида, деган ҳикматларни, қолаверса, мақола муаллифи келтирган "Хуббул ватан минал иймон" (Ватанни севмоқ иймондандир) деган Ҳадиси шарифдан Ватанни севмасанг иймондан чиқасан, деган хулосани яққол билиш мумкин-ку! Наҳотки, ваҳҳобийлар буни ҳам инкор этадилар?! Бу уларнинг нақадар илмсиз, жоҳил эканини кўрсатмайдими?!

Яна уларнинг фикрича, дунёвий илмни ўрганиш харом экан, илм деганда фақат дин илми тушунилармиш. Тарихдан ўртаҳ асрларда яшаган аллома аждодларимизнинг дунёни титратиб ўтганини биламиз. Ҳозирги ривожланган Ғарб ҳам, Америка ҳам бор дунёвий илмларни қадим боболаримиздан ўрганганини тан олмоқда. Ўшалар билан фахрланиб яшаш билан бирга, ўзимиз ҳам ҳар соҳада ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиш учун чуқур илм эгалламоғимиз, олган билим ва тажрибаларимизни Ватан келажаги йўлида сарфлашимиз даркор эмасми?!

Юқоридаги кўр-кўрона ташвиқотлар ақидапарастларнинг асл қиёфасини кўрсатиб турибди. Машҳур хадис бор: илмни Хитойда бўлса ҳам, эгалла деган. Ақлли одам ўйлаб кўрсин: пайғамбаримиз даврида Хитойда қандай диний таълимни олиш мумкин эди. Расулуллох (С.А.В.)нинг бу даъватлари очиқдан-очиқ дунёвий илм ҳақида-ку! Диний уламолар фатвосига кўра, бир маҳаллага битта имом бўлиши кифоя. Иккитаси шарт эмас. Шу билан бирга битта дурадгор, битта косиб, битта сартарош каби дунёвий эҳтиёжларни қондирувчи касб эгаларининг бўлиши ҳам фарз. Яъни мисол учун маҳаллада табиб бўлмаса, то ичларидан бир киши табиб бўлгунига қадар ўша ердагиларнинг бўйнида табиб бўлиш қарзи турар экан. Мабодо шу вақт ичида кимдир касал бўлиб, табибга муҳтож ҳолида вафот этса, маҳалладаги ҳамма одам тенг гуноҳкор бўларкан.

Энди ўйлаб кўринг, тобора мустақиллигини мустаҳкамлаб, ҳар жабҳада жаҳон жамоатчилигининг эътиборини қозонаётган Ўзбекистон халқи орасида дунёвий илмни "харом"га чиқарганлар кимнинг "ноғорасига" ўйнаяптилар?! Уларнинг асл мақсадлари динга тўғри келадими? Содда ва ишонувчан ўзбекларни оёғига осилиб, орқага — зулматга, залолатга тортаётганларнинг ҳомийлари ким? Улар кимнинг тегирмонига сув қўймоқдалар? Албатта, лойқа тинса, сувнинг таги кўринганидек, мутаассиб ваҳҳобийларнинг мақсаду манзиллари тайин. XVII асрга келиб, мадрасалардан дунёвий илмлар олиб ташлангач, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, ал-Фарғоний, ал-Хоразмийларнинг авлодлари бошига не қаро кунлар тушмади, дейсиз. Тарихни ўқиганлар буни яхши билишади.

Ўтиш давридаги айрим қийинчиликларни, муаммоларни ҳал этишда ҳукуматга қанот бўлиш ўрнига, аллақандай бадхулқ ва совуқчеҳраларнинг этагини тутаётган баъзи тенгдошларимизнинг кўзини очиш, тўғри йўлга солиш керак эмасми? Хулоса сифатида айтмоқчиманки, газета орқали "Ҳидоят, ҳақиқат, хулоса" сингари таҳлилий, илмий асосли ва энг муҳими, тарбиявий аҳамияти қатта бўлган мақолаларни тез-тез чоп этиб турсаларингиз айни муддао бўларди. Чуқур эҳтиром ила

Абдулазиз РАИМОВ,
ТошДУ талабаси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЎН МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

Европа мамлакатлари Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ратификация қилишлари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Битимни 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзолаган эди.

Германия бу Битимни маъқуллаган ўнинчи мамлакат бўлди. Ушбу масала бўйича ҒФР Бундестаги (парламенти) махсус қонун қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим Европа Иттифоқига аъзо барча ўн беш мамлакат парламентлари ратификация қилгач кучга киради.

"Жаҳон" ахборот агентлиги.

➡ КАРДИФФ. Буюк Британиянинг Кардифф шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди.

Икки кун давом этадиган анжуманда минтақада иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш арафасида Европа Иттифоқининг бошқарув тизими ва қонунчилик соҳасида ислоҳотлар ўтказиш, Умумевропа бозорида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли бандлиги каби муҳим масалалар муҳокама қилинади.

➡ ТБИЛИСИ. Грузия қуролли кучлари бош штаб бошлиғи Жони Пирцхалаишвили ва Туркия қуролли кучлари вакили Маҳмуд Бошпанарий Грузияга 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартномани имзолади. Бу ҳақда РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси хабар қилди.

Туркия томонидан ажратилаётган грант Грузия қуролли кучлари объектларини таъмирлаш, коммуникация тизимини яхшилаш ва мамлакат ҳарбий академияси ўқув марказининг қурилишига сарфланди.

➡ ПЕКИН. Фан ва техника соҳасидаги Хитой-Америка ҳамкорлиги ХХР билан АҚШ ўртасидаги дўстона алоқаларнинг асосини ташкил этади. ХХРнинг фан ва техника ишлари бўйича вазирининг ўринбосари Хуэй Юнчжэн шундай баёнот берди.

Унинг таъкидлашича, икки мамлакат ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, сув заҳираларидан фойдаланиш ва сув омборларини қуриш соҳаларида ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган.

Фан ва техника соҳасидаги Хитой-Америка ҳамкорлигига 1979 йилда икки мамлакат ўртасида имзоланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим асос солган.

➡ ГРОЗНИЙ. Доғистон-Чеченистон чегарасида Чеченистон ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари томонидан икки жиноий гуруҳ қўлга олинди. Жиноятчилар автотранспорт ўғирлаш ва босқинчиликда айбланмоқда.

Чеченистон чегара ва божхона хизмати бўлими бошлиғи ўринбосари Ваха Бахаевнинг таъкидлашича, жиноятчилар Чеченистон шариат хавфсизлиги вазирлигининг тергов қамоқхонасига топширилган.

(ЎзА).

Элбек таваллудининг 100 йиллигига

БОЛАЛАР МАСАЛЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

АТОҚЛИ ўзбек педагогларидан бири ва йирик болалар шоири Элбек — Машриқ Юнусов 20-ва 30-йиллар ўзбек адабиёти ва педагогикасининг дарғаларидан бири сифатида ном чиқарган эди.

У ўзининг 20-йиллардаги фаолиятида педагогик жиҳатдан биргина она тили ва адабиёти буйича дарс берувчи, миллий мактабларда шу соҳа буйича сабоқ ўргатувчи муаллимлар учун қўлланма яратибгина қолмасдан, элимизнинг ўсиб келаётган ёш авлодига анъанага кўра ахлоқ ва одоб муаммолари ҳусусида амалий жиҳатдан, тарбиявий жиҳатдан пухта ва амалий шеърлар — масаллар ҳам битган эди. Тилчи олим ва педагог Элбек бу жиҳатдан ўзбек миллий педагогикасига янги бир тарбиявий йўналишни олиб кирди.

Элбек қатағонга учраган зиёли кишилардан бири бўлган Боту таъбири билан айтганда, "ҳали шу кунгача Элбекчалик шоир ўзбек адабиётида болалар учун масал жанрига қўл урмаган эди". Педагог ва шоир ушбу ўта фаол масалага қўл уриб, болалар тарбиясининг нозик томонларига эътибор қаратган эди.

Айтилган ушбу фикримизнинг бош мақсадида, ўша 20-йиллар миллий тарбиянинг қўйилишида сиёсий қарашлар билан боғлиқ масалалар ётарди. Шоир ва педагог ўзининг муаллимлик фаолияти давомида янги тузум — Шўро сиёсатидан қўрққан ҳолда юрагида тўпланиб турган ва очиқ айта олмаган фикр ва ўйларини шеърий йўсинда, яъинки, масаллар орқали — рамзий образлар орқалигина ифода эта олган эди.

Тўғри, бу ўта қалтис муаммо ҳақида бирон оғиз сўз очиш мумкин бўлмаган давр, ўша 20- ва 30-йиллар шароитида рамзий образлар — қушлар, ҳайвонлар тилидан фикр изҳор этишдан бошқа йўл йўқ эди. Ўшандай бўлса-да, Элбек ана шу рамзий тарзда ифода этилган масаллари орқали ҳам қатағонга маҳкум этилгани сир эмас. Шоир ва педагог ўз қисматини элимиз болаларининг одоб ва ахлоқлари йўналиши муаммоларига бахшида этилгани учун ҳам шўро ҳокимиятига ёқмаган эди.

1921 йилда "Армуғон" номида масаллар китобини чоп эттирди. Ушбу китоб халқ орасида катта шуҳрат топди. Китобчани 1923 йилда такрор нашр этишди. Тўпламга 18 та масал киритилган бўлиб, буларда ўша даврдаги ижтимоий ва сиёсий руҳга эга бўлган бадиий пухта, ғоявий соғлом, мавзу жиҳатдан рангбаранг муаммолар ўз ифодасини топади.

Китобнинг иккинчи нашри тўғрисида ўша пайтда "Узгаришчи ёшлар" журнали таҳририяти шундай баҳо берган эди:" Биринчи босилишдан кўра бу гал 2-нашри чиройли қилиб чиққан. Вазн ёқлориго анча эътибор қилиб усталик кўрсатмаган бўлса ҳам, айтмоқчи бўлгон гапи, тушунтирмоқчи бўлгон тилаги ёпилиб қолмайдир. Халқнинг осон тилида лўнда-лўнда қилиб, қулайлик билан айтиб берадир".

Шоир ва педагог ўзининг мазкур "Армуғон" масаллар тўпламига киритган шеърлари орқали болалар тарбиясининг миллийлик хусусиятларига доир муаммоларни кўтариб чиқади. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда шоирнинг "От ила одам", "Қайси бири бўри", "Сичқонхоннинг қиз узатиши", "Сичқонлар кенгаши", "Олақарға билан қурбақа", "Икки тулки", "Кампирнинг товуқлари", "Кемачи ила ҳаким", "Фил ва лайча", "Имом билан қўйчибой", "Қуён ила тошбақа", "Қуйруқсиз маймун", "Итларнинг ўртоқлиги" каби масал ва эртак-масаллари ўзининг руҳий олами, ғоявий йўналиши жиҳатидан истиқлолни орзу қилган кишилар, болаларимиз дилидан жой олган фикрлар эди.

Болалар учун 1921 йилда чоп этилган "Армуғон" масаллар тўпламига киритилган "Қайси бири бўри" масалини олиб курайлик. Ушбу масалнинг мақсад ва вазифаси ўта тушунарли ифода этилган: ўрмонда ёлғиз ўтлаб юрган қўй бўрининг домига учраб, ҳеч қаерга кетолмай қолади. Бўридан қочишнинг иложини тополмай турган қўй, ташқаридан бирон одам келиб, мени қутқазиб олармикан, деган ниятда туради. Шу онда бир киши келиб, уни йиртқич чангалидан қутқаради: уни ўз уйига олиб кетади. Бу ғамхўрликдан қўй ўта ҳурсанд бўлади, осмонга қараб сакрайди. Аммо қўй учун бундай сакрашлар — ҳурсандчилик узоққа бормайди. Уни сўйиб ейдилар...

Гапнинг қисқаси, педагог ва шоир Элбек ушбу масалнинг якунида шундай ижтимоий-сиёсий ва ўша давр учун ўта қалтис хулоса чиқаради:

Пичоқ билан қўйди
уни тез сўйиб.
Унга қўйнинг икки кўзи
термулиб
Жон типирчилаб, ёниб
ҳам куйиб,
Айтар эди, ул кишига:
"Эй киши,
Бўримни ё айтгил, энди ким
ваҳший?
Қутқардинг сен, бўри илгидан
Ҳамма қўрқинч шу ўлимнинг
ваҳмидан
Кўрдим энди чин бўри ҳам
сен бўлдинг".

Ушбу шеър-масал яратилган паллаларда Қўқон ҳудудига бостириб кирган дашноқлар — оқ бўрилар бешикда ётган гўдакларгача сўйгани ва найза учига илиб ўйнаганига эндигина икки-уч йил бўлган онлар эди. Бундай вахшийликларни очиқ айтиш мумкин бўлмаган онларда Элбек рамзий маъноларда қўй ва бўри тилидан айтган бу нарса ўша давр ижтимоий муҳитида ўта нозик эди... Педагог ва шоир ушбу ўта қалтис муаммони моҳият жиҳатдан ўсиб келаётган ёшларга — мактаб ўқувчиларига етказиб қўйиш ниятида қалам сурган ва ўзининг истиқлол мафкураси тушунчасини ошкор этган эди...

Шундай қилиб, Элбек ўзбек болалар масалчилигига ўзининг юздан ортиқ масаллари билан асос солди. Унинг ёзган ҳар бир масали, педагогик мавзудаги ишлари эндиликда ардоқланмоқда.

Ҳилола ЗОКИРОВА,
тадқиқотчи.

ФИФАнинг ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

FRANCE 98

Франциядаги футбол бўйича жаҳон чемпионати арафасида Жозеф Блаттер Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти этиб сайланди.

8 июнда Парижда ФИФАнинг 51-конгресси ўз ишини якунлади. Конгресс ишида Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси президенти З. Алматов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Халқаро футбол федерацияси — 202 давлатни (бу галги конгрессда уларнинг сони тўрттага кўпайди) бирлаштирувчи жаҳоннинг энг йирик спорт ташкилотларидан бири.

ФИФА жаҳоннинг нафақат энг йирик, балки энг бой ташкилотларидан ҳисобланади. У 2002 ва 2006 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларининг телевизион намойиши ҳуқуқини "Kirch—ISL" консорциумига бериб, икки миллиард АҚШ долларига яқин маблағга эга бўлди. 1986 йилга қадар, ФИФА жаҳон чемпионатларидан тушган фойданинг 4 фоизини олган бўлса, бу сафар эса 19 фоизни қўлга киритади. Яқинда бу йилги жаҳон чемпионатининг икки асосий ҳомийлари — "Кока-кола" ва "Адидас" ширкатлари билан шартнома имзолади. Мазкур шартномага кўра уларнинг ҳар бири яқин саккиз йил ичида ФИФА ҳисобига 83,3 миллион доллардан ўтказадилар.

Айни пайтда ФИФАга янги президент — швейцариялик Жозеф Блаттер раҳбарлик қилмоқда. У 1974 йилдан буён ФИФАнинг раҳбари бўлиб келган бразилиялик Жоао Авеланжа ўрнини эгаллади. Сайловлар икки турда ўтди. Биринчи турда Ж. Блаттер 111 овоз тўплаган бўлса, унинг рақиби УЕФА президенти Ленар Иохансон 80 овоз тўплади. ФИФАнинг янги президенти сўнгги ўн етти йил ичида мазкур ташкилотга бош котиблик қилиб келган.

Блаттернинг сўзларига кўра, у "жаҳон футболи бошқаруви" тизимини қайта тузиш ниятида. Кундалик масалалар билан шуғулланадиган етти кишидан иборат ижроия қўмитаси тузилади. У шунингдек, ФИФА низомини ўзгартириб, ташкилотнинг сайлов кенгаши таркибига ҳақиқий футбол намоёндалари — футбол ўйинчилари ва ҳакамларни киритишни ваъда бермоқда.

ФИФАнинг янги президенти 12 июлда, яъни шу йилги жаҳон чемпионатининг финал ўйинидан олдин расмий равишда ўз лавозимини бажаришга киришади.

Жўра ДЕҲҚОНОВ,
"Жаҳон" АА мухбири,
Париж.

"САОДАТ" БИЛАН УЧРАШУВ

Аёл кўнгли, Она муҳаббати, Қизгина дил изҳорлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Саодат" ўз ихлосмандлари билан учрашишни, улар кўнглига йўл топишни, зарур бўлганда кўмак қилишни ўзининг энг асосий вазифаси деб билади. Шу мақсадда, журнал жамоаси тез-тез муштарийлар даврасида бўлади, мунис онахонлару дилбар опа-сингиллар тилак ва истакларини ўрганади, ўз режаларини уларга баён этади.

Яқинда вилоятимизнинг Янгийўл шаҳар маданият саройида ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувга шаҳар фаол аёллари, саноат корхоналарида меҳнат қилувчи аёллар ва шаҳардаги тиббиёт коллежи талаба қизлари тўпландилар.

— Биз севимли журналимизнинг ҳар бир янги сонини орзикиб кутамиз, — дейди учрашув қатнашчиларига меҳмонларни таништирар экан вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева. — Аёлларни бирлаштиришдек, уларнинг бошини қовуштиришдек савобли ишни журнал жамоаси ўз зиммасига олган. "Саодат" қанча кўп хонадонга кириб борса шунча хонадонга эзгулик, ёруғлик киради.

Шундан сўнг журнал бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева йиғилганларга Президентимизнинг маънивият борасида, қолаверса республика Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган қарорлари халқ онгига етказишда "Саодат" олиб бораётган ишлар, журнал саҳифаларини ранг-баранг ва мазмунан бойитиш борасидаги режалар ҳақида сўзлаб берди.

У Оила йилида оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, мунис опа-сингиллар дардкаши бўлиш "Саодат"нинг энг эзгу нияти эканлигини билдирди. Шунингдек, журнал бўлим муҳаррири Холтош Усмонова, "Саодат"нинг кўп йиллик фаол муаллифи, "Муштум" журнали бўлим муҳаррири Қутби Носирова ўз иш фаолиятлари, режалари билан ўртоқлашдилар ва йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, шаҳар ҳокими муовини Х. Хайдарова меҳмонларга ташрифлари ва қизиқарли суҳбатлари учун учрашув қатнашчилари номидан миннатдорчилик билдирди.

Зулҳумор ЖЎРАЕВА.

Суратда: учрашувдан лавҳа.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳаётий ҳангомалар

УВОЛИДАН ҚЎРҚДИ

Икки ўғил анча улғайиб қолган, улар тарбиясига таъсир кўрсатмаслик учун, Пирнафас умуман ичкиликни оғзига олмайдиган бўлди. Нозикроқ меҳмон келганда ҳам, олдига арақ қўйса, бирор қўшнисини чақириб, унга шерик қилади, ўзи минг бир баҳона билан ичмайди.

Яқинда шундай меҳмондорчиликдан кейин, дастурхонни йиғиштираётган хотини шишалардан бирида озгина ичкилик қолганини кўриб, "буни нима қилай?" деб қолди. Хуштаъмроқ бўлсин учун, меҳмонлардан бири арақ ичига битта бутун лимонни тўғраб юборган, шиша тубида лимон шимган бир пиёлача арақ бор эди.

— Четроққа олиб қўй, бунинг ҳам уволи бўлса керак,— деди Пирнафас.

Бир неча кун ўтиб хотини яна ўша шишани кўтариб чиқди. Арақдан чети чиқиб турган лимон бўлакларининг учи моғорлай бошлаган эди. Яна ўша савол: "Буни нима қилай?"

Ўғилларига насиҳат қилиб турган Пирнафас уф тортди. Ташлаб юбор деса, кўзи қиймайди — пули куйган. Бирор қўшнисини чақирай деса, бир пиёла чиқар-чиқмас бу зорманда бировни овора қилганига арзимайди.

— Пиёла келтир,—деди у кутилмаганда, хотинига қараб.

Уй соҳибининг гапи гап: дарҳол чиройли мўъжаз чинни пиёла олиб чиқилди.

Бу ёғи нима бўларкин дея икки ўғил ва уларнинг онаси киприк қоқмай қараб туришибди.

Пирнафас шошилмай, шиша қопқоғини очиб, ичини ҳидлаб кўрди. Лимон ҳиди аралаш арақдан бурнини жийирди-ю, "бузилмаган, шекилли" деб ғудраниб қўйди. Пиёлага арақни оҳиста қуйиб, бир дам унга тикилиб турди, сўнг "Э, Ҳудо, ўзинг кечир" деди-ю, ҳовлининг бир бурчига уни сепиб юборди.

Бўшаган шиша ва пиёлани сувда чаяркан, "Уволи тутмасин-да, ишқилиб", деб қўйди.

Индамай бу харакатларни кузатиб турган икки ўғил, оталарининг сўнгги сўзларига ҳайрон бўлиб қарашди-ю, кейин бирдан баравар хохолаб кулиб юборишди. Улар ёнида турган онаси эса, "Ҳаромнинг ҳам уволи бўларканми?" деб жилмайди.

Пирнафас эса, пинагини бузмай, чайилган шишани четга сурганча гап қотди: "Нима бўлгандаям, бу баттол пешона тери билан топилган ҳалол пулимга келганди-да!"..

Шоира АБДУШОХИДОВА.

«ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ»

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Ёйлар бўйича: 1. Жаҳон чемпионатидаги энг биринчи гол муаллифи бўлган француз футболчиси. 2. Ўйинни бошқариб борувчи. 3. Германия терма жамоасида энг кўп ўйнаган футболчилардан бири. 4. Футбол соврини. 5. Голландия терма командаси футболчиси. 6. Жаҳон чемпионатларида иштирок этган энг кекса ёшдаги африкалик тўпурар. 7. V жаҳон чемпионатидан сўнг эълон қилинган дунёнинг рамзий терма жамоасидан ўрин олган венгриялик футболчи. 8. IV жаҳон чемпионати финал ўйинини бошқарган англиялик ҳакам. 9. Бразилия терма жамоасида XV-жаҳон чемпионатида иштирок этган футболчи. 10. Уругвай терма командасини бошқарган таниқли мураббийлардан бири. 11. II жаҳон чемпионати тўпурарларидан бири. 12. XV жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Аргентина терма командаси ҳимоячиси. 13. 1950 йил Бразилияда бўлиб ўтган чемпионатнинг уругвайлик тўпурари. 14. Халқаро футбол ташкилоти — ФИФАга асос солинган пойтахт. 15. Чили терма командаси футболчиси. 16. III жаҳон чемпионатининг финал ўйинида иштирок этган венгриялик футболчи. 17. Камерун терма жамоасининг таниқли тўпурари. 18. "Франция — 98" чемпионатнинг африкалик вакили бўлган мамлакат. 19. АҚШда бўлиб ўтган биринчиликда Италия терма командасида ўйнаган футболчи. 20. Франция футболи юлдузи. 21. Чемпионат ўйинларида иккинчи бор қатнашадиган командалардан бири. 22. Сўнгги, ҳал қилувчи ўйин. 23. Италия терма жамоаси таркибида энг кўп майдонга тушган футболчилардан бири. 24. Польша терма командасининг 70-80 йиллардаги таниқли ўйинчиси.

Фозилжон ОРИПОВ.



ЖУМБОҚ ХАРИТАЛАР

Бу қизиқ

Туркиялик адмирал Пири Рейс XVI асрнинг моҳир денгизчиларидан бири бўлган. Агар бир "лекини" бўлмаса, унинг исми-шарифи ном-нишонсиз кетган бўларди.

Пири Рейс ҳар нарсага қизиқувчан инсон бўлган. У замондошларига номаълум ерларни топиш учун жўғрофий кашфиётлар билан қизиққан. Ҳарбий юришлардан бўш пайтларда кўп вақтини Стамбулдаги кутубхонада ўтказган, бу ерда у денгизлар ва қуруқликларнинг қадимги хариталарини синчковлик билан ўрганган.

Унга омад кулиб боқади. Султонга қарашли кутубхонада 1513 йилда номаълум ер харитасининг нусхасини кўчириб олади. Тўғри, ундан фойдаланиш насиб қилмади. Султоннинг фармони билан адмиралнинг қандайдир гуноҳлари учун бошини танасидан жудо қиладилар. У чизган харитаси эса шу кутубхонага тушади. Орадан тўрт аср ўтгандан кейин харитани топадилар. Тадқиқотчилар у билан шуғулландилар. 1960 йилда бу ҳодиса илм оламини ҳайратга солади. Харитада XVI асрдаёқ маълум бўлган Африка ва Жанубий Американинг қирғоқлари билан бирга Антарктида қирғоқлари ҳам бор эди. Аниқроғи, бу қитъадаги Малика Мартанинг муз қоплламаган пайтдаги қирғоғи тасвирланган эди.

Маълумки, Жанубий қитъа 1820 йилда рус денгизчилари Фаддей Беллинсгауз ва Михаил Лазаревлар томонидан очилган эди. У Пири Рейс харитасида қандай қилиб пайдо бўлиб қолди экан?

Адмирал хаританинг четларига бирламчи суратга олиш ва харитага тушириш учун жавобгар бўлмаслигини, у фақат кўчирма эканлигини тушунтириб ёзиб қўйган эди.

Музлардан холос бўлган Антарктидани биринчи харитага тушируувчи ким бўлган ва қитъа қачон суратга олинган? Фаннинг тасдиқлашича, қитъанинг эрамиздан олдинги 13000 йилдан то 4000 йилгача муз зирҳи бўлмаган. Бироқ шунчалик юксак даражада хариталар тузиш даражасига эга бўлган ўша вақт цивилизацияси тарихчиларга маълум эмас.

Шунда америкалик профессор Чарльз Хепгуд Пири Рейс изидан бориб, бошқа хариталарни излашга киришди. Натижада хайратга солувчи кашфиётга дуч келди. АҚШ конгресси кутубхонасида Оронтеус Финиус Антарктидани тасвирлаб 1531 йилда чизган харитани топди. Унда қиролича Мод Ери, Эндерби Ери, Уилис Ери, Виктория Ери ва Мэри Бэрд Ери музлардан холи тарзда чизилган эди. Харитада тоғ тизмалари, дарёлар белгиланган эди, уларни кейинчалик сейсмик қидирув ёрдамида топдилар. Росс денгизи тубини бурғилаш эса ундаги майда донадор қолдиқларни дарёлар олиб келганлигини кўрсатди. Радиоуглерод усулини қўллаш бу дарёлар бундан камида олти минг йил илгари бўлганлигини кўрсатди.

Оронтеус Финиус харитасида қитъанинг бир қисми муз қоплаган ҳолда кўрсатилган. Хепгуд бундан олти минг йил илгари Антарктидага инсонлар ташриф буюрганлар, балки улар шу ерда доим яшаганлар, деган қатъий баёнот билан чиқди.

Янги изланишлар навбатдаги кашфиётларга олиб келди. Масалан, тадқиқотчилар XVI асрда энг машҳур бўлган харита тузувчи Герхард Кремер томонидан чизилган хариталарга бошқача кўз билан қарадилар. Уни кўпроқ Маркатор номи билан билишарди. Замондошлари у чизган кўпчилик хариталарни тўқима деб ҳисоблардилар. Маркатор бир қанча хариталарда Жанубий қитъани кўплаб муз қоплашгача бўлган даври тафсилотлари билан тасвирлаган эди.

Америкалик олим Антарктиданинг яна бир харитасини топди, у XVIII асрдаги француз харита тузувчиси Филипп Буаше томонидан 1737 йилда яратилган эди. Афтидан у ҳам қадимги маълумотлардан фойдаланган эди. Буаше харитасида музликлар умуман йўқ эди.

Қитъа топографияси фақат асримизнинг 60 йиллари бошларида олинган топографияга ўхшаш эди. Буаше Антарктидани икки қисмга бўлувчи Росс, Уэдел ва Беллинсгауз дарёларини бирлаштирувчи қўлтиқни тасвирлаган. Сўнгги тадқиқотлар Антарктида қитъа бўлмасдан бир-бирига яқин жойлашган йирик ороллар гуруҳидан иборат эканлигини тасдиқлади.

Геологларнинг фикрича: Буаше кўрсатган қўлтиқ бундан миллион йиллар илгари муз билан қопланмаган эди. Ўша вақтда инсон умуман бўлмаган деб ҳисобланади. Демак, хариталарни бошқа коинотдан келганлар яратишганми? Қадимги харита тузувчилар бир километрдан ортиқ қалинликдаги муз остидаги Антарктида ландшафтини батафсил кўриш имконини берадиган асбобларга эга бўлганларми?

Агар Антарктида муз зирҳига эга бўлмаган вақтдан бери миллионларча йил ўтди, деб тасдиқловчи эътиқоди мустаҳкам геологлар фикрига қўшилинса инсоният эволюциясига бўлган қарашларни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Балки, иккинчи фикр — юксак даражада ривожланган номаълум цивилизация бўлган деган фикрга қўшилиш мумкинми? Учинчи фикр ҳам бор: Ерда олти минг йил илгари "нимадир" содир бўлган ва у Жанубий қитъанинг муз билан қопланишига олиб келган.

Хепгуд ва бошқа айрим обрўли олимларнинг фикрича, бу "нимадир" ички юмшоқ жисм атрофидаги ер қобиғининг жойи тўсатдан ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Антарктида жойи бундай ўзгаришдан олдин тахминан 3,5 минг километр шимолроқ масофада бўлган бўлиши мумкин. Кейинчалик ҳозирги жойига келиб қолгандир. Мингларча йил давомида у совуган ва муз зирҳи билан қопланган.

Адмирал Пири Рейснинг харитасида яна бошқа қатор сирлар бор. Шу жумладан, Жанубий Америкага оид. Ўша харитада катта Марохо ороли қитъанинг бир қисми сифатида кўрсатилган. Бундан 15 минг йил илгари шундай бўлиши мумкин эди. Яна қадимги даврда Ерни харитага тушириш билан шуғулланган юксак тараққий этган номаълум цивилизациянинг бўлганлиги ҳақида фикр юзага келади. Пири Рейс Фолкленд ороллари ҳам чизган, ваҳоланки, бу ороллар унинг харитаси пайдо бўлгандан 79 йил кейин очилган эди.

Шуниси ҳайратланарлики, Пири Рейс, Маркатор ва XVI асрдаги бошқа харита тузувчиларининг хариталари Ернинг жўғрофий координатлар бўйича боғлиқлигини аниқ кўрсатади. Ваҳоланки, на критлилар, на финикликлар, на Шарқ денгизчиларида бунинг учун асбоблар бўлмаган. Афтидан, бундай асбоблар Пири Рейс, Маркатор, Оронтеус, Финиус, Буаше нусҳаларини кўчириб олган қадимги харита тузувчиларда бўлган. Қадимги цивилизация харита тузувчилари ўлчаш учун такомиллашган асбоблар яратганлар. Ернинг тузилишини оқ қоғозларга тушириш учун зарур чуқур математик маълумотларга эга бўлганлар. Буларнинг ҳаммаси хариталарда тузатишлар картографик проекциялар деб аталувчи мураккаб механик ва математик ўзгартиришлар ёрдамида киритилган деган фикрни туғдиради. Уни амалга ошириш учун мураккаб математик аппарат керак. Бундай аппарат, чунончи, эрамиздан олдинги 400 йилда ҳам, кейинчалик — янги давргача ҳам бўлмаган. Тадқиқотчиларнинг бу хулосаларини Массачусетс технология институтида ўтказилган экспертиза ҳам тасдиқлади.

Бу қандай цивилизация бўлган? Қайси қитъада жойлашган? Тадқиқотчилар жавобни Жанубий ва Марказий Америкадан излаш керак, деган изоҳни олдинга сурмоқдалар.

Тамара КРИКУНОВА.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган хабарга кўра 17-21 июнь вилоятимиз пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг биринчи ярмида айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Иккинчи ярмида эса ҳаво асосан очиқ келади. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечалари 15-20, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлади. Ҳафта оҳирида кундузи ҳарорат 30-35 даражага етади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "АСМ—С" хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар бир ой мобайнида қабул қилинади.
Тел: 46-22-42.

Юнусобод туманидаги "Беҳзод—СВ" масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар бир ой мобайнида 22-79-58 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент вилоят Тошкент туманидаги 16-ўрта мактаб томонидан 1989 йил Тўлабоев Шавкат Пўлатович номига берилган 772041 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Очиқ турдаги "Роҳат" ҳиссадорлик жамияти Қибрай тумани ҳокими М. Куччиевга акаси
Нурхон Раззоқович КУЧЧИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-083. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ. Адади 12.208 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –19.00. 1 2 3 4 5 6